


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 13 май, № 100 (7602) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ




### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Жаноби Олийлари!**

Глобал миқёсда ўт очишни тўхтатиш бўйича мен эълон қилган даъватни қўллаб-қувватлаб мактуб йўллаганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман. Ушбу даъват бутун дунё бўйлаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек, минтақавий шериклар, фуқаролик жамияти ва диний ташкилотлар раҳбарлари томонидан ижобий қабул қилингани мени руҳлантирди. Энг муҳими, ушбу даъватга бир қатор ўзаро низолашаётган томонлар бошланғич ижобий муносабат билдирди.

Можаролардан турли даражада жабр кўрган ва пандемия олдида янада заиф бўлиб қолганлар учун мен ҳали ҳам хавотирдаман, тинч аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, болалар ва маргинал гуруҳларни ҳимоя қилиш учун барчамиз масъул эканимизни ҳамиша таъкидлайман. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган мамлакатнинг минтақада жабр кўрган давлатларга, жумладан, Афғонистон Ислом Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун ғоят миннатдорман.

Сизнинг Ҳукуматингиз томонидан Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолайман. Ҳукуматингиз ва резидент-координатор бошчилигида БМТнинг Мамлакат гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада экани мени руҳлантиради.

БМТ қарама-қарши томонлар эзгу ниятлари ёки ўт очишни вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги баёнотлардан урушни якунлашга, узоқ муддатли сиёсий ечимлар ва барқарор тинчликка эришишга ўтишига кўмаклашиш учун барча ҳукумат муассасалари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиради. Сиз саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашда давом этасиз, деб умид қиламан.

Шунингдек, Сирдарё вилоятида тўғон ёрилгани тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилганимни таъкидлашни истардим. Унинг оқибатидаги сув тошқинидан жабрланган Ўзбекистон халқи ва қўшни Қозоғистон халқига ҳамдардлик билдираман. Муҳтож одамларга ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари яқиндан ҳамкорлик қилаётганини юксак баҳолайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Энг эзгу тилаклар билан,**

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби.**

## МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

*Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан 12 май куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг видеоконференцалоқа шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирга мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов раислик қилди.*

Мажлис ишида Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазири Зограб Мнацаканян, Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Макей, Молдова Республикаси ташқи ишлар вазири ва Европа интеграцияси вазири Олег Цуля, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Элмар Мамедяров, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Туркманистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Ўзбекистон МДҲни кўп қиррали амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш соҳасидаги муҳим майдон сифатида кўради.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз ўз тарихида биринчи марта 2020 йилда МДҲ раислигини қабул қилди. Кўп томонлама ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш раисликнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Шу мақсадда 70 га яқин турли тадбирларни ўз ичига олган раисликнинг Концепцияси ва уни амалга ошириш Режаси тасдиқланди. Ушбу тадбирларнинг 40 тасини Ўзбекистонда ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов мажлис иштирокчиларини қутлар экан, коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб вазият тез орада ортда қолиб, юзма-юз кўришиш насиб этишига ишонч билдирди. Шунингдек, мажлис қатнашчиларини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан яна бир бор табриклади. Мамлакатимизда ушбу тадбирга давлат даражасида эътибор қаратилгани, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиз Тошкентда ғоявий ва меъморий ечимига кўра бетакрор, мазмунан ноёб Ғалаба боғи барпо этилгани ҳақида қисқача гапириб берди. Бу маълумотлар йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳамдўстлик ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари халқаро кун тартибининг ва МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, халқаро ва минтақавий ишларда ташкилот роли ва ўрнининг жорий ҳолати, уни кучайтириш истиқболларини кўриб чиқдилар, шунингдек, қатор ташкилий масалаларни муҳокама қилдилар.

Томонлар карантин чекловлари шароитида савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида мавжуд ва йўлга қўйилган барча ҳамкорлик механизмларини сақлаб қолиш ҳамда МДҲ эркин савдо ҳудуди тўлақонли ишлашини таъминлаш муҳимлигини қайд этдилар.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2020 — 2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплигини ва уларнинг сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш;

(Давоми 2-бетда).

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИ ҲАМШИРАЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН



*Ҳамшира деганда кўз ўнгимизда қўли енгил, сўзи ширин, юзи кулиб турадиган ва ҳар қандай вазиятда беморга беминнат кўмак беришга тайёр малакали мутахассис гавдаланади.*

### Саломатлик посбонлари

Тиббиёт соҳасини ҳамширалар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Операцияларни муваффақиятли ўтказиш жараёнидан тортиб, бемор парвариши, лаборатория-диагностика, шошилинч ва тез тиббий хизмат, онабола парвариши, санитария-эпидемиология, фармацевтика каби қатор соҳаларда фаолият юритиб келаётган 300 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари, ҳамшираларнинг ўрни беқиёс. Уйма-уй юриб, оиладаги тиббий маданият даражасининг юқори бўлишида улкан ҳисса қўшиб келишаётган патронаж ҳамшираларнинг меҳнати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Мамлакатимизда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани аҳолига тиббий ёрдамни сифатли кўрсатиш, бу йўналишда жаҳон тиббиётининг энг илғор услубларини амалиётга жорий этишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда беш мингдан ортиқ олий маълумотли ҳамширалар соғлиқни сақлаш тизимининг турли бўғинларида фаолият юритяпти.

Айтиш керакки, коронавирус билан боғлиқ бугунги мураккаб шароитда ҳамшираларга бўлган эҳтиром ва ҳурматимиз янада ошяпти. Айни кунларда бу балога қарши курашишда 50 мингдан зиёд ҳамширалар жасорат ва матонат кўрсатаётир. 2020 йилнинг 12 май ҳолатига кўра, мамлакатимиз бўйлаб коронавирус инфекцияси қайд этилган 2547 бемордан 2040 нафарининг бутунлай соғайиб, яна бахтли ҳаётга қайтишида, шубҳасиз, бу фидойи касб соҳибаларининг меҳнати улкан. Кеча Халқаро ҳамширалар кунида бу яна бир бор алоҳида эътироф этилди.

➡ 3

### Мунособат

## ҲАР БИР МАСАЛА БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

*Шу йилнинг 11 май куни ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим ҳисобланган йигирмата масала, жумладан, ўнта қонун кўриб чиқилди.*

*Эътиборлиси, уларнинг ҳар бири баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу ҳақда сенаторлар ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этишди.*

### Қонун нега маъқулланмади?

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:**

— Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини кўпайтириш, шу мақсадида томорқа хўжалигидан унумли фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан қизғин муҳокама этилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборли бўлди.

Аммо у билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартишлар кўпчилик томонидан яхши қабул қилинмади. Жумладан, ундаги томорқа ер участкасидан "асоссиз равишда" ёки "оқилона" фойдаланмаслик ёхуд "самарасиз" фойдаланиш каби тушунчалар тўла очиб берилмагани айтилди.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар ушбу ҳужжатни маъқуллашмади. Якунда Сенатнинг бу қонунни рад этиш тўғрисида қарори қабул қилиндики, биз уни қўллаб-қувватладик. Негаки, қонунлар қанчалик пишиқ ва ҳаётий бўлса, улардан кутилаётган самара шунчалик салмоқли бўлади.

➡ 2

### ДУНЁ НИГОҲИ

Россия матбуоти:

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТОМ МАЪНОДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

**"Россия 24" телеканали**да Ўзбекистонда Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланганига бағишланган репортаж намойиш қилинди. Қайд этилишича, мамлакат урушда қаҳрамонлик кўрсатган аждодларини асло унутмаган, ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этиб, ҳаётдаги фахрийларни доимо эъзозлаган. Сўнгги йилларда бу байрам ўзига хос руҳ ва мазмун билан бойимоқдаки, бунга асосий сабаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур санага чуқур ва кенг қамровли муносабатидир.

"Давлат раҳбари кўплаб инсонларнинг пойтахтда улкан Ғалаба боғини қуриш истагини эшитди ва қўллаб-қувватлади. Экспозициянинг яратилиши умумхалқ кўламини касб этди. Одамлар ўзида бор осориатиқаларни Ўзбекистоннинг барча нуқтасидан олиб келдилар. Мажмуа марказий хиёбонида генерал Собир Раҳимов бошчилигидаги уруш қаҳрамонлари ёдгорлиги кўкка бўй чўзган", дейилади репортажда.

➡ 3

### Долзарб мавзу

## ЕОИИ билан ҳамкорлик аграр соҳа ривожига қандай таъсир кўрсатади?

*Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик масаласи парламент палаталари мажлисларида атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимизнинг ушбу тузилма билан муносабатлари масаласига, энг аввало, мамлакат тараққиёти, халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, чуқур ёндашилди. Унинг барча соҳага таъсири, натижалари кенг таҳлил этилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан МАМУТОВ фикрлари билан қизиқдик.*

***— Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик аграр соҳа барқарор ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?***

— Албатта, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиши экспорт ҳажмини ва ташқи савдо айланмасининг ошишига, маҳсулотлар, тармоқлар ва умуман, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Агросаноат мажмуаси ЕОИИга аъзо давлатлар иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш потенциалига эгадир.

ЕОИИга ҳамкорлик натижасида республикамиздан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ошиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан логистика, божхона постларидаги ортиқча текширишларнинг камайтирилиши, вақтдан унумли фойдаланиш ва бизнинг сифатли маҳсулотларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда эканлигини таъкидлашимиз лозим.

Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш борасида айтиш мумкинки, юртимизнинг ушбу тармоғида техника етишмайди. ЕОИИ билан ҳамкорлик қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг бутловчи қисмларини арзон нархларда сотиб олиш имкониятини оширади, соҳани техника билан таъминлашга шароит яратилади.

➡ 2

Ёшлар парламенти:

## ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР УМУМЛАШТИРИЛЯПТИ

*Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, сиёсий билим ва кўникмаларини амалий жиҳатдан бойитиш, қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, қабул қилинаётган ҳужжатларни навқирон авлод орасида тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу мақсадда Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентини ташкил этиш кўзда тутиляпти. Айни пайтда ушбу ташаббус кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Мухбиримиз бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси Абдулло АСЛАНОВ билан суҳбатлашди.*

### Бизнинг интервью

***— Ёшлар парламенти олдига қандай вазифалар қўйилмоқда?***

— Мамлакат тараққиёти, унинг янада гуллаб-яшнаши ёшлар фаолиятига, уларнинг саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Шу боис Ёшлар парламентини ташкил этиш жараёнида бир қатор устувор вазифаларга асосий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда уларни ҳал этишга оид таклифлар ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилади.

Маълумки, қонунчилик техникаси, қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари, ҳуқуқ ижодкорлиги — мураккаб жараён.

➡ 2

ЯХШИЛИКЛАРНИНГ ЭНГ ФОЙДАЛИСИ САХОВАТДИР. *Ибн Сино*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2020 — 2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш;

етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кўпайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республиканинг ягона молия тизимидаги ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш.

2. Қуйидагилар:

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага мувофиқ белгилансин:

банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;

банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

халқаро молия институтлари кўмагида "Ипотека-банк" АТИБ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Асака" АТБ, АТ "Алоқабанк", "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ ва "Туронбанк" АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотишни назарда тутиш;

банк тизимини ислоҳ қилиш даврида аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмини ("лойиҳалар фабрикаси") кенг жорий қилиш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида "Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки" АЖ, "Агробанк" АТБ ва "Микрокредитбанк" АТБ устав капиталларида давлат улушини сақлаб қолиш;

айрим банкларнинг фаолиятини диагностика қилиш ва молиявий аҳволини баҳолаш асосида, меъёрий талабларидан ҳамда қайта ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни консолидациялаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида вазирликнинг тасдиқланган штатлар сони доирасида Давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларига маслаҳатчи сифатида халқаро консультантларни жалб қилиш;

тижорат банкларини трансформация қилиш, шунингдек, улардаги давлат акциялари пакетини хусусийлаштиришга доир масалаларда халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги 2024 йилдан кечиктирмай Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки дастури (FSAP) асосида молиявий сектор ҳолатини баҳолашни ўтказиш чораларни кўрсин.

7. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан банкларнинг, шу жумладан, кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш фаолиятига аралашиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг банклар фаолиятига давлат органларининг маъмурий аралашувига йўл қўймаслик қисми ижро этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини бошқариш бўйича кенгаш таркибига мустақил аъзоларни киритиш орқали уни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4300-сон қарорига 1-илованинг 1–3-позициялари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 12 май



Ёшлар парламенти:

# ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР УМУМЛАШТИРИЛЯПТИ

◀1

Ушбу масалалар бўйича айнан йигит-қизлар иштирокида амалий муҳокамалар ўтказилиши белгиланаётгани уларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичидан хабардорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, ёшларнинг сиёсий билимларини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини яхшилаш юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда навқирон авлод вакиллари фаоллигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграциясига қарши курашишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш ҳам Ёшлар парламенти олдига қўйилаётган вазифалар сирасига киради.

***— Айтинг-чи, Ёшлар парламентини ташкил этишда хорижий тажриба ҳам таҳлил қилиндими?***

— Албатта, бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан халқаро тажриба ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Мазкур жараёнда ушбу масала бўйича икки хил ёндашув мавжудлиги аён бўлди. Масалан, ёшлар парламенти Португалия, Греция, Грузия, Латвия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Арманистон каби давлатларда давлат органи (вазирлик ёки парламент) ҳузурида, Буюк Британия, Қирғизистон, Қозоғистонда эса нодавлат нотижорат ташкилоти ҳузурида ташкил этилган.

Ёшлар парламентининг аъзолари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси, Арманистонда парламентда ўз фракциясига эга сиёсий партияларнинг "ёшлар қаноти", Беларусь Республикаси, Грузияда маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги ёшлар парламенти вакиллари, шунингдек, Қирғизистонда асосий фаолияти ёшлар масалалари бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлардан вакиллар ушбу тузилма аъзолари саналади.

Хорижий мамлакатларда ёшлар парламенти аъзолари учун ёш цензи (чегараси) ўрнатилган. Хусусан, Латвияда 15 ёшдан 20 ёшгача, Грузия ва Грецияда 16 ёшдан 20 ёшгача, Беларусь Республикасида 18 ёшдан 25 ёшгача, Россия Федерациясида 18 ёшдан 30 ёшгача, Қирғизистонда 18 ёшдан 35 ёшгача этиб белгиланган.

***— Ўзбекистонда Ёшлар парламентига кимлар аъзо бўлиши мумкин?***

— Бугунги кунда ушбу ҳужжат лойиҳасига кўра, Ёшлар парламентига ўн саккиз ёшга тўлган, лекин ўттиз ёшдан катта бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Улар онлайн ёки ёзма ариза бериш орқали ўз хоҳишларини билдирадилар. Ушбу ҳужжат тасдиқлангандан сўнг, бу ҳақда батафсил тушунтириш берамиз.

***— Ушбу парламентни тузишда ёшларнинг фикри, таклифлари инобатга олиняптими?***

— Албатта. Аслида мазкур парламентни ташкил этиш — ёшларнинг ташаббуси. Жорий йил март ойида волонтёр ёшлар томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши биносида парламент аъзолари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбарияти ҳамда ишчи гуруҳининг бошқа аъзоларига Ёшлар парламенти фаолияти қанақа бўлиши кераклиги ҳақида тақдимот ташкил этилганди. Тўғрисини айтиш керак, ҳозирги ҳужжат лойиҳамизнинг асосий қисми ҳам ана шу тақдимотдан олинган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда бир неча маротаба муҳокамалар ўтказилди ва айни пайтда мунозаралар давом этмоқда. Таклиф ва тавсиялар умумлаштириляпти. Ҳали ҳам таклифлар бўлса қабул қилишга тайёрмиз.

***— Қачон биринчи Ёшлар парламенти аъзоларини амалиётда кўришимиз мумкин?***

— Муҳокамалар натижаси билан ҳужжат лойиҳаси яқин кунларда тасдиқланади. Шу асосда жорий йил июнь ойида Ёшлар парламенти аъзолигига қабул қилиш жараёнлари бошлаб юборилади. Шубҳасиз, буларнинг барчаси ёшларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# ҲАР БИР МАСАЛА БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

◀1

## Ўзаро алоқаларни янада кучайтириш керак

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг салмоқли ҳиссаси бор.

Омбудсманнинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда бу алоҳида таъкидланди. Масалан, вакил ва унинг минтақавий вакиллари томонидан 8 та асосий соҳа бўйича ишлар олиб борилган. Хусусан, инсон ҳуқуқларига доир миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, унга риоя этилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли ва давлат органлари вакиллари ҳуқуқий онги ҳамда хабардорлигини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар рўёбга чиқарилган.

Шунга қарамай, ушбу ҳисобот сенаторлар томонидан танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди. Ўз навбатида, Омбудсман ва Сенат қўмиталари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш кераклиги ҳамда бу натижалар салмоқли бўлишига олиб келиши таъкидланди. Демак, бундан кейинги фаолиятимизда ҳамкорликни кучайтирамиз.

## Замон шиддатига мос қадам ташлаб ишлаш жуда муҳим

**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси янгиликларга бойлиги билан ҳам ёдимизда қоладиган бўлди. Мисол учун, унда илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018-2019 йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилиниши ҳолатига доир ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилган.

Кейинги даврда парламентимиз томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 3 та шартномаси ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар тасдиқланди.

Сенаторлар томонидан буларнинг барчаси эътироф этилган ҳолда, шу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Албатта, бугунги кун шиддатига мос равишда қадам ташлаш ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

## Парламент сўрови юбориш бўйича қарор қабул қилинди

**Шермат ШАМСИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ялпи мажлисда ҳокимлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмасдан қарорлар қабул қилиш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қарорлар қабул қилиши ҳолати ўрганилди.

Таҳлилларга кўра, биргина 2019 йилнинг ўзида ҳокимларнинг 3400 дан ортиқ қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган. Камига фуқароларнинг норози бўлиб қилган мурожаатлари сони ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмасдан қарорлар қабул қилиши ҳолатлари кўпайган. Туман, шаҳар ҳокимлари ваколатга эга бўлмаса-да, қонунга зид равишда бино-иншоотларни балансга олиш ва бошқа масалаларда қарорлар чиқарган.

Бу ҳолатларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан ўз вақтида эътибор берилмагани ҳам сенаторлар томонидан қайд этилди. Шулардан келиб чиқиб, якунда Бош вазирга парламент сўрови юбориш бўйича Сенат қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЕОИИ билан ҳамкорлик аграр соҳа ривожига қандай таъсир кўрсатади?

◀1

Қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши натижасида ернинг унумдорлик даражаси яхшиланади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жадал суръатларда ўсиб, мамлакат экспорт ҳажми ўсишига эришилади.

***— Ушбу ҳамкорликнинг фитосанитария хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўсимликлар карантини соҳасига таъсири хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Қўмитамиз томонидан ўрганишлар Ўзбекистон учун қисқа истиқболдаги интеграция ижтимоий-иқтисодий ҳамда фитосанитария хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда. ЕОИИга аъзо давлатлар ўртасида чегараларнинг мавжуд эмаслиги импорт қилинадиган маҳсулотларнинг фитосанитар назорати имкониятларининг чекланишига олиб келади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги вазиятнинг таҳлили миллий фитосанитария қонунчилигини ЕОИИ талабларига мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўсимликлар карантини соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани ЕОИИ билан уйғунлаштириш учун вақт ва техник ёрдам талаб этилади, шунингдек, фитосанитария хизмати инфратузилмаси янги стандартларга мос келишини таъминлаш учун молиявий ресурсларни жалб этиш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудида карантин объекти (зараркунанда) кирган ёки тарқалиб кетган бўлса, аъзо давлатлар зараркунандаларга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ташкил этишга қаратилган қўшма ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам беради.

Интеграция ўсимлик маҳсулотларини олиб киришда илмий асосланган чекловларнинг (аъзо давлатлар томонидан) жорий этилиши, Ўзбекистон ўсимлик дунёси учун карантин аҳамиятига эга зараркунандалар рўйхатини кенгайтириш ва ўсимликлар карантини соҳасидаги олимларнинг малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

***— Қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, мева-сабзавот етиштиришда ушбу муносабатлар қандай ўрин тутади?***

— Қайд этиш жоиз, ЕОИИ билан ҳамкорлик қишлоқ хўжалиги соҳасида иш юритувчи хўжалик субъектлари учун мавжуд бозорда янада қулай шартлар билан рақобатлашиш имконини беради.

Классик иқтисодий тушунча билан айтганда, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот етиштириш ЕОИИга аъзо давлатларга нисбатан нисбий афзалликка эга бўлиши мумкин бўлган соҳадир. Сўнгги йилларда республикамизда соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли мева-сабзавот етиштириш бўйича сезиларли ижобий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Амалда ҳозирги кунда ҳам меваларимизнинг 87 фоизи, хусусан, узумнинг 76 фоизи, сабзавотларнинг 50 фоизи экспорти ЕОИИ бозори ҳиссасига тўғри келмоқда. ЕОИИ билан яқиндан ҳамкорлик қилишнинг ушбу соҳага таъсир этувчи яна бир ижобий томони, транспорт харажатларининг камайиши ҳисобига мева-сабзавот етиштирувчиларимиз имконияти ушбу бозорда янада кенгайишидир.

Шу билан бирга, ЕОИИ бозорига мева-сабзавот экспорти миқдорини ошириш учун санитария ва фитосанитария андозаларини ҳамда тамғалаш ва қадоқлаш бўйича стандартларни уйғунлаштиришимиз зарур бўлади. Бундан ташқари, ЕОИИ билан ҳамкорлик қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида салбий таъсирга эга эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз мақсадга мувофиқ. Салбий таъсирларни камайтириш учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти салоҳиятини ривожлантириш ҳамда диверсификациялаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз учун маълум вақт талаб этилади.

**— ЕОИИ билан ҳамкорлик доирасида аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича қандай қўшма чораларни қабул қилиш лозим бўлади?**

— Юқоридаги ижобий жиҳатлар билан бирга, чорвачилик, балиқчилик соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларимиз иқтисодига таъсири бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қишлоқ хўжалигида уруғчилик масалалари бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилишига маълум вақт талаб этилишини эътиборга олишимиз керак.

Ўз навбатида, ЕОИИнинг ички бозори талабларини қондириш мақсадида рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва унинг товарлари экспорт географиясини кенгайтиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича қўшма чораларни қабул қилиш юзага келмоқда.

Умуман айтганда, мамлакатимизнинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги аграр соҳада ўзгаришларга олиб келади. ЕОИИ билан "кузатувчи давлат" мақомида иштирок этишимиз соҳадаги бир қатор муаммоли масалаларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этишга имкон беради.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКСПОРТ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

*Пандемиянинг глобал кўламини ҳисобга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият, жумладан, мамлакатимиз бюджети учун муҳим саналган экспортни таъминлаш ҳозирги шароитда жуда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.*

## Фикр

Шу боис давлатимиз раҳбари раислигида ҳукумат аъзолари, ҳудудлар ва ихтисослашган идоралар, экспорт компаниялари раҳбарлари билан ўтказган видеоселектор йиғилишларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тизимли ва истиқболни кўзлаган чоралар кўрилмоқда ҳамда тегишли ҳужжатлар қабул қилиняпти.

Юртбошимизнинг шу йил 5 майдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу тизимдаги корхоналар маҳсулотларининг ташқи савдосини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ҳаракатлар режасини мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир.

Унга кўра, биржа нархлари халқаро амалиёти киритиляпти. Бу эса хом ашё таннархини 10 фоизга тушириш имконини беради. Бундан ташқари, 1 апрелга қадар ички бозорда сотилган пахта толаси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилади, тўқимачилик корхоналари томонидан экспорт қилинадиган товарлар мамлакатдан чиқиб кетгандан сўнг ҚҚС тўлиқ ҳажмда қайтарилади. Шунингдек, соҳада фойдаланиладиган 64 турдаги хом ашё ва материаллар божхона божларидан озод этилади.

Бундан ташқари, ҳужжатда тайёр маҳсулот экспортини сезиларли даражада ошириш, машҳур жаҳон брендлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича йирик тўқимачилик ҳамда тикувчилик кластерлари барпо этилиши кўзда тутилган.

Қарор билан транспорт харажатлари субсидия қилинадиган экспорт маҳсулотлари рўйхати 32 турдаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, ҳўл, музлатилган ва консерваланган мевалар ҳисобига 52 турдан 86 тургача кенгайтирилди. Эндиликда 2 мингдан ортиқ экспорт қилувчи корхоналар ушбу имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Бунда Давлат бюджетидан 360 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Қисқаси, ушбу Фармон тадбиркорларга янада кенг имкониятлар ҳамда қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

Россия матбуоти:

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТОМ МАЪНОДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

1

**Москва давлат университети ҳузуридаги Постсовет маконида ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлилий маркази** расмий сайтида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ғалаба боғини бунёд этишдан мақсад "Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш", деган сўзлари жойлаштирилди.

**"МИР 24" телеканали** махсус репортажида мажмуа ҳудудидаги урушда беш ўғлини йўқотган Зулфия Зокирова хотирасига бағишланган "Матонат мадҳияси" ёдгорлигининг улуғворлиги эътироф этилди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйгани, "Шон-шараф" музейига ташриф буюргани, сўнг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлагани айтиб ўтилди.

Ғалаба боғи ҳақидаги маълумотларни ўртоқлашар экан, **ТАСС ахборот агентлиги** уруш давридаги жанггоҳларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонлар, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб бунёд этилган "Мангу жасорат" номли улуғвор монументни алоҳида кўрсатиб ўтади. Шунингдек, 1941 — 1945 йилларда жанг майдонларида қўлланилган ҳарбий техника ва қуролларнинг намуналари, шу жумладан, "Т-34" танки, ўша даврда Тошкентда ишлаб чиқарилган "Ли-2" ҳарбий транспорт самолёти келтирилган. Тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган.

ТАСС журналистларининг фикрича, мажмуа Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага катта ҳисса қўшган ўзбек халқининг жасоратини тараннум этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**РИА "Новости"** мухбири Ўзбекистон Президентининг Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқига таянган ҳолда, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Ўзбекистон тарихини ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб ёзади. Агентликнинг хабар беришича, республикада илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ҳамда фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ўтказилган илмий изланишлар натижасида ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида муҳим янги маълумотлар қўлга киритилди, дейди журналист. Хусусан, ўша вақти 6,5 миллион аҳоли яшаган Ўзбекистондан фронтга 1,5 миллион эмас, балки 1 миллион 951 мингга яқин кишилар урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Ўзбекистондаги йўқотишлар сони ҳам янгиланди: илгари 396 минг нафар ўзбекистонлик урушда ҳалок бўлган, деб ҳисобланган бўлса, аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган. 158 мингдан кўпроқ ўзбекистонликлар урушда бедарак кетган.

Мавзуни давом эттирар экан, **"Regnum" ахборот агентлиги** мухбири олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилганини таъкидлайди.

"Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерлар жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафари учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди", дейилади агентлик тарқатган мақолада.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# МДҲ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

1

Делегациялар раҳбарлари коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этишда Ҳамдўстликка аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш долзарблигини таъкидладилар.

Ташқи сиёсат идоралари ўртасида МДҲ давлатлари ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш жабҳасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция, транспорт, инновация, маданият, спорт ва ёшлар сиёсати соҳаларидаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамдўстлик халқлари ҳаёти фаровонлиги ва сифат даражасини кўтариш мақсадида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни инобатга олишга асосланган ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Иштирокчилар МДҲ ТИВ кенгашининг кейинги мажлисини шу йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон таклифини қўллаб-қувватладилар.

Мажлис якунларига кўра, ҳамкорликнинг турли йўналишларида 11 та ҳужжат имзоланди, кун тартибининг барча масалалари бўйича ўзаро келишилган қарорлар қабул қилинди. Хусусан, транспорт, таълим, туризм, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар кўриб чиқилди ва маъқулланди. Ушбу ҳужжатлар Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари ва ҳукумат раҳбарларининг бўлажак мажлисларига тақдим этилади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ва бутун дунёдаги оғир эпидемиологик вазиятга қарамай, бугун Ўзбекистон ташаббуси билан МДҲ фаолияти доирасида илк марта видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган Ҳамдўстлик ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси самимий ва дўстона руҳда ўтди.

МДҲ ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси натижалари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни тизимли ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон раислиги доирасидаги вазифаларни тўлиқ амалга оширишга мустаҳкам замин яратади.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИ ҲАМШИРАЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН

1

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар 14 кунлик фаолият даври учун врач ходимлар, врач-лаборантларга 25 миллион сўм, ўрта тиббиёт ходимлари, ҳамшира-лаборантларга 15 миллион сўм, кичик тиббиёт ходимларига эса 10 миллион сўм миқдорида (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча маблағ тўланмоқда. Бу уларнинг фидойилигига, касбига садоқатига берилаётган моддий рағбат, холос.

Маънавий рағбат эса нуроний отахону онахонларнинг дуоларида, хавфли касалликдан фориғ бўлиб, яна оиласи бағрига қайтаётган инсонларнинг қувонч кўз ёшларида, мамнун чеҳраси ва эзгу тилакларида акс этяпти, десак, муболаға эмас.

**«Халқ сўзи».**

# КЛИНИК ЮРИДИК ТАЪЛИМ

## *Унинг афзаллиги нимада?*

*Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони миллий юридик таълим тизими соҳасида стратегик ва дастурий аҳамиятга эга.*

*Ҳужжатда бугунги кунда мамлакатимизда бу соҳада самарадорликнинг пастлиги, юридик таълим ва фанни юксалтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари ўз ифодасини топди.*

### Нуқтаи назар

Биргина ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш вазифаси белгиланган.

Хўш, клиник юридик таълим тараққиёти нима учун зарур бўлмоқда? Унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

Аслида "юридик клиника" тушунчаси XIX асрнинг ўрталарида Қозон университетида юридик клиника ташкил қилинганда пайдо бўлган. Юридик таълимда клиника юридик йўналишда таҳсил олаётган талабалар эгаллаган назарий билимларни амалда қўллаш кўникмасини шакллантиришни англатади. Мазкур тушунчани осон ўзлаштириш учун тиббий тайёргарликдан андоза олишган.

Ушбу тушунча кейинчалик Европанинг бошқа юридик таълим муассасаларидаги юридик клиника таркибида оммалашади. Клиниканинг аъзолари, яъни талабалар мактабларда ҳуқуқни тушунтириш ишларини олиб боришган. Мазкур тизим орқали ўқитишнинг зерикарли қонунларни кўр-кўрона ёд олиш эмас, балки ҳар куни ҳаётда керак бўладиган амалий вазиятга оид ҳуқуқни ўргатиш самарали йўлга қўйилган. Натижада таълим муассасаларида қонунбузарлик даражаси анча камайган.

Ўзбекистонда бундай клиника Тошкент давлат юридик университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ташкил этилган. Бироқ у ўқув жараёни билан уйғунлашмаган. Юридик клиника бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳам мавжуд эмасди. Ушбу юридик клиникалар жамоатчилик асосида ташкилий-консультатив характерга эга эди, холос.

Бугунги кунда клиник юридик таълимни ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий алоқада олиб боришга зарурат сезилмоқда. Бунинг учун ушбу йўналишда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланиши зарур.

Клиник юридик таълим тор маънода, юзаки ва номигагина амалга ошириладиган ҳуқуқий маслаҳат эмас, балки миллий ҳуқуқ тизими талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётига муносиб хизмат қилувчи реал механизмга айланиши лозим.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Клиник юридик таълим ёрдамида ҳуқуқ, унинг норма ва принциплари тўғрисидаги билим ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан шаклланади, чуқур ҳуқуқий билим ҳуқуқ ва қонунларга ижобий муносабатнинг ҳамда уларни бажариш мажбуриятининг шаклланишига замин яратилади. Талабанинг клиник юридик таълимга маълум маънода оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий мафкура индивидларини юридик амалиётдан хабардор этиш, шунингдек, мустақил ҳуқуқий таълим ва тарбия ҳам таъсир кўрсатади. Бугунги кунда клиник юридик таълим ва мустақил таълим юриспруденция соҳасида шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш имкониятига айланяпти.

Юридик таълим жараёни ўзида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатни мужассам этади. Аммо бу муносабат фақат билим бериш билан чегараланмайди, у ўзаро ишонч ва ахлоқий қадриятларга асосланади. Ана шу омиллар юриспруденция йўналишидаги талабани ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнига тайёр кадр бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Бинобарин, мазкур муносабатни клиник юридик таълимнинг асосий муҳим шарти эканини ҳам таъкидлаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фармонда устувор йўналиш сифатида белгиланган клиник юридик таълим талабаларнинг мантиқий фикрлаш доирасини ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқий муаммони мустақил ҳал этишга йўналтирувчи таълим жараёнидир.

Клиник юридик таълимнинг вазифаси бўлажак ҳуқуқшуносларни ижтимоий ҳуқуқий жараёнларга фаол жалб қилиш, жамият ҳуқуқий тизимида тайёр замонавий кадр бўлиб қатнашишлари учун назарий билим, амалий кўникма ва тажриба тўплашига замин яратишдан иборат. Клиник юридик таълим жараёнида ҳуқуқшунос олимлар, педагоглар ва юридик соҳа амалиётчилари, иш берувчиларнинг реал амалий ҳамкорлиги талаб этилади.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**
**юридик фанлар доктори.**

ЭЪЛОНЛАР

**«UPI-KOM» адвокатлик фирмасининг 2020 йил 16 мартдаги 1/120-сонли қарорига кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан 2002 йил рўйхатдан ўтган «UPI-KOM» адвокатлик фирмаси (СТИР 204312394) тугатилмоқда.**

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 24-уй.
Телефон: 90-001-48-11.

255J/

**«Asia Region Oil» МЧЖга**
*тегишли Юқори Чирчиқ туманидаги «Суранкент» ҚФЙга қарашли, «Қизилсой» МФЙ ҳудудида жойлашган АЁҚШ бино ва иншоотларининг №11:14:03:02:04:0001-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

256J/

# Гулистон давлат университети

**2019/2020 ўқув йилида бакалавриат йўналиши бўйича битирувчи талабаларини ишга тақсимлаш (тавсия этиш) жараёни бошланганлигини маълум қилади.**

| Т-р | Таълим | Йўналишлар номи | Жами битирувчилар сони | Жумладан: Грант | Аёллар | Жумладан: Контракт | Аёллар | Сирдарё вилояти туманлари ва шаҳарлари: Гулистон ш. | Аёллар | Янгиер ш. | Аёллар | Ширин ш. | Аёллар | Боёвут тум. | Аёллар | Сайхунобод тум. | Аёллар | Гулистон тум. | Аёллар | Оқолтин тум. | Аёллар | Сардоба тум. | Аёллар | Ховос тум. | Аёллар | Мирзаобод тум. | Аёллар | Сирдарё тум. | Аёллар | Жами Сирдарё вилояти | Аёллар | Вилоятлар: Андижон | Аёллар | Бухоро | Аёллар | Самарқанд | Аёллар | Сурхондарё | Аёллар | Жиззах | Аёллар | Навоий | Аёллар | Тошкент вил. | Аёллар | Тошкент ш. | Аёллар | Хоразм | Аёллар | Қорақалпоғистон Республикаси | Аёллар | Қашқадарё | Аёллар | Фарғона | Аёллар | Наманган | Аёллар | Ҳаммаси | Аёллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5111300 | Она тили ва адабиёт (рус тили) | 39 | 10 | 6 | 29 | 25 | 9 | 8 | 1 | 1 | 1 | | 4 | 3 | 1 | 1 | 3 | 3 | 4 | 3 | | | 2 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 27 | 23 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 3 | 1 | 3 | 3 | 2 | 1 | | | | | | | 2 | 1 | | | | | 12 | 8 |
| 2 | 5111400 | Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили | 101 | 28 | 21 | 73 | 53 | 13 | 11 | 4 | 3 | 1 | 1 | 8 | 7 | 11 | 9 | 10 | 6 | 9 | 5 | 2 | 1 | 5 | 2 | 11 | 9 | 6 | 6 | 80 | 60 | | | 2 | 1 | 3 | 2 | | | 6 | 5 | | | 5 | 2 | | | | | | | 3 | 2 | 2 | 2 | | | 21 | 14 |
| 3 | 5120100 | Филология: ўзбек тили | 55 | 20 | 14 | 35 | 22 | 5 | 3 | | | | | 5 | 4 | 5 | 3 | 2 | 1 | | | 3 | 1 | 1 | 1 | 7 | 6 | 3 | 2 | 31 | 21 | | | | | 5 | 4 | 1 | 1 | 8 | 5 | 1 | 1 | 7 | 3 | | | | | | | 2 | 1 | | | | | 23 | 15 |
| 4 | 5120100 | Филология: қозоқ тили | 17 | 5 | 7 | 12 | 2 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 16 | 8 | | | | | | | | | | | | | 16 | 8 |
| 5 | 5110700 | Информатика ЎМ | 54 | 9 | | 45 | 6 | 5 | 1 | | | 3 | | 3 | 1 | 7 | | 6 | | 7 | | 1 | 1 | 3 | 1 | 1 | | 6 | 1 | 42 | 5 | 1 | | | | 3 | | | | 4 | | | | 2 | | | | | | | | | | 2 | | | | 9 | 0 |
| 6 | 5130100 | Математика | 45 | 17 | 7 | 28 | 7 | 1 | 1 | 2 | | | | 5 | 1 | 4 | | 2 | | | | 1 | | 6 | 3 | 1 | | | | 22 | 5 | | | 4 | 2 | 4 | | | | 6 | 2 | | | 5 | 2 | 1 | 1 | | | | | 3 | 2 | | | | | 23 | 9 |
| 7 | 5140200 | Физика | 48 | 19 | 4 | 29 | 6 | 5 | 2 | 4 | | | | 4 | | 2 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | 2 | | 4 | | | | 25 | 3 | | | 6 | 5 | 2 | | | | 7 | 1 | | | 5 | 1 | | | | | | | 3 | | | | | | 23 | 7 |
| 8 | 5111700 | БТ ва СТИ | 60 | 10 | 7 | 50 | 48 | 8 | 7 | 3 | 3 | 2 | 2 | 11 | 10 | | | 7 | 7 | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 | 5 | 5 | 43 | 41 | | | | | | | | | 5 | 4 | | | 6 | 6 | 2 | | | | | | 4 | 3 | | | | | 15 | 13 |
| 9 | 5111800 | Мактабгача таълим | 26 | 5 | | 21 | | 3 | 3 | 2 | 2 | | | 4 | 4 | 1 | 1 | 3 | 3 | | | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 19 | 19 | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 4 | 7 |
| 10 | 5110900 | Педагогика ва психология | 41 | 15 | 7 | 26 | 15 | 5 | 3 | 3 | 3 | | | 6 | 4 | 3 | 2 | 7 | 5 | | | 3 | 2 | 2 | | | | 6 | 3 | 35 | 22 | | | | | 1 | | 1 | | 3 | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 5 | 2 |
| 11 | 5111100 | Мусиқа таълими | 18 | 6 | 2 | 12 | 12 | 5 | 4 | | | | | 2 | 2 | | | | | | | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 13 | 12 | | | | | | | | | | | | | 4 | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 5 | 2 |
| 12 | 5112100 | Меҳнат таълими | 28 | 5 | | 23 | | 6 | 2 | 2 | 1 | | | 2 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | 3 | 2 | 15 | 5 | 1 | 1 | | | 2 | | | | 5 | 3 | 1 | 1 | 3 | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 12 | 7 |
| 13 | 5110500 | География ЎМ | 19 | 5 | 2 | 14 | 4 | 3 | 1 | | | | | 3 | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | | | | 9 | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | | | | 6 | 4 | | | | | | | | | | | | | 9 | 5 |
| 14 | 5111000 | КТ (агрономия) | 27 | 9 | 1 | 18 | 8 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 4 | 2 | 2 | | 11 | 3 | | | | | 3 | | | | 8 | 4 | | | | | | | | | | | 1 | | 2 | 1 | | | 12 | 5 |
| 15 | 5140100 | Биология | 49 | 24 | 11 | 25 | 15 | 3 | 2 | | | | | 3 | 1 | 2 | 1 | 3 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 3 | 3 | 3 | 2 | 21 | 11 | | | 6 | 3 | 6 | 3 | | | 4 | | 2 | 2 | 3 | 3 | | | | | | | 5 | 2 | 2 | 1 | | | 28 | 14 |
| 16 | 5140500 | Кимё | 26 | 9 | 1 | 17 | 7 | 1 | 1 | 1 | | | | 3 | 2 | 5 | 1 | 1 | | | | | | 3 | | | | 3 | 2 | 17 | 6 | | | | | 1 | | | | 5 | 1 | | | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | 9 | 2 |
| 17 | 5141000 | Тупроқшунослик | 17 | 9 | 3 | 8 | 7 | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 2 | 1 | | | | | | | | | | | 4 | 3 | 1 | | 10 | 7 | | | | | 2 | 1 | 1 | | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | 7 | 3 |
| 18 | 5321000 | Озиқ-овқат технологияси | 79 | 28 | 3 | 51 | 17 | 20 | 7 | 3 | 1 | | | 7 | 1 | 12 | 4 | 5 | | 1 | | | | 3 | | 11 | 2 | 5 | | 67 | 15 | | | | | 1 | | | | 4 | 1 | | | 6 | 4 | | | | | | | | | 1 | | | | 12 | 5 |
| 19 | 5410500 | ҚХМСва ДИТ | 48 | 18 | 4 | 30 | 12 | 15 | 4 | 1 | | | | 8 | 3 | 2 | | 1 | | 1 | 1 | | | 5 | | 8 | 3 | 3 | 2 | 44 | 13 | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 3 | 3 |
| 20 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси | 18 | 5 | | 13 | 5 | 2 | | 3 | 2 | | | 2 | | 2 | | 1 | | 2 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | | | | 15 | 4 | | | | | | | | | 3 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 3 | 1 |
| 21 | 5111600 | Миллий ғоя, МА ва ҲТ | 28 | 5 | | 23 | 2 | 6 | 1 | 1 | 1 | | | 4 | | 1 | | 2 | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | | 19 | 2 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 4 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 9 | 0 |
| 22 | 5120300 | Тарих | 28 | 10 | | 18 | 2 | 8 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | | 2 | | | | 1 | 1 | 2 | | 1 | | 16 | 2 | | | | | 7 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | | | 10 | 0 |
| 23 | 5230100 | Иқтисодиёт | 26 | 5 | 1 | 21 | 2 | 7 | 3 | 1 | | | | 3 | | 1 | | 3 | | 1 | | | | 2 | | 2 | | 1 | | 21 | 3 | | | 1 | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 5 | 0 |
| 24 | 5112000 | Жисмоний маданият | 78 | 5 | 1 | 73 | 2 | 14 | 1 | 3 | | 3 | | 6 | | 5 | | 6 | | 5 | | 2 | | 3 | | 8 | | 6 | | 61 | 1 | | | | | 1 | | 4 | | 4 | | | | 5 | 2 | 2 | | | | | | | | 1 | | | | 17 | 2 |
| 25 | 5112000 | Хотин-қизлар спорти | 24 | 5 | 5 | 19 | 19 | 6 | 6 | | | 2 | 2 | 4 | 4 | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 22 | 22 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 |
| | | Жами ГулДУ бўйича | 999 | 286 | 107 | 713 | 298 | 153 | 73 | 37 | 19 | 12 | 5 | 101 | 48 | 66 | 25 | 66 | 27 | 38 | 12 | 22 | 12 | 47 | 15 | 83 | 39 | 61 | 32 | 686 | 307 | 3 | 2 | 21 | 12 | 45 | 12 | 10 | 2 | 85 | 30 | 9 | 9 | 83 | 44 | 5 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 | 32 | 15 | 13 | 5 | 1 | 1 | 294 | 134 |

## ТАҲЛИЛ

*XXI асрнинг 20-йили инсоният бошига кўп оғир синовларни солди. Дастлаб Австралия ўрмонларининг катта қисми ёниб, кулга айланган бўлса, бир оз ўтиб, Индонезияда кучли вулқоннинг "уйғониши" қанчадан-қанча ҳалокату талафотларни келтириб чиқарди.*

*Қолаверса, одамзоднинг ўзи ҳам тинч ўтиргани йўқ. АҚШ ва Эрон ўртасидаги зиддиятли вазият, Россия Федерацияси ҳамда ОПЕК давлатларининг нефть қазиб олишни камайтириш бўйича узоқ чўзилган баҳс-мунозаралари... Қисқаси, онгли мавжудотнинг баъзи қилғиликлари ўзига ёмонлик тилаб олиш, она табиатнинг қаҳрини келтиришга ўхшайди. Мана, ҳозир дунё аҳли шундай жиддий офат билан рўбарў бўлиб турибди — вируслар ичра энг "тождори"ни даф этолмай овора. Азалдан тўрт девор орасида ўтиришни оғир жазодай қабул қилган инсон боласи энди ўз ихтиёри билан уйга қамалишга мажбур. Пандемия шароитида бундан оқилона чора топилгани йўқ.*

*Албатта, саломатлик — бебаҳо неъмат. Танамизга ҳатто кичкинагина бир тикан кирса ҳам жонимиз оғрийди. Яхши ниятли инсонлар бошқаларга ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Ер юзида касаллик бўлмаса, ҳеч ким ҳаёт билан бевақт видолашмаса, дейди. Аммо "коронавирус" (COVID-19) деган лаънати ўлат айни шу ожиз нуқтамизга зарба берди. Миллионлаб одамлар ушбу касалликни юқтириб олди. Минглаб кишилар у туфайли вафот этди. Энг ёмони, бу миқдор кундан-кунга ошиб боряпти. Ҳали жаҳон аҳли бу хасталикни бартараф эта олгани йўқ. Вирусни бутунлай ҳаётимиздан ҳайдаб чиқаришга эришсак ҳам, у қолдирган асоратлар биз учун анча вақтгача "бошоғриқ" бўлади. Катта-кичик мамлакатлар, ҳатто "тождор" бало етиб бормаган давлатларнинг ҳам пандемиядан сўнг аввалги қаддини тиклаб олишига йиллар кетади. Шунинг учун ҳам сайёрамизда ҳаёт ўз ўзанига қайтиши учун қатор ислоҳотлар зарур.*



*Тўғри илғадингиз, гап жаҳон иқтисодиётининг келажаги ҳақида! Энг майда заррага тенг "кўринмас ёв" манаман деган давлатларни ҳам танг аҳволга солиб қўяётганини кўриб турибмиз. Буни образли қилиб, "дунё иқтисодиёти қатағонга дуч келди", дейиш мумкин. Барча йирик молиявий ташкилотлар жаҳон иқтисодиётининг яқин истиқболдаги тақдири хусусида прогнозларини эълон қилмоқда. Бу башоратларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлиги эса, биринчи навбатда, коронавируснинг қай даражада давомийлигига боғлиқ.*




### Тахминлар ўзини оқлайдими?

COVID-19нинг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш жуда муҳим. Бу унинг ҳар бир индикатори ва сектори кесимида, алоҳида тадқиқотлар орқали амалга оширилиши керак. Масалан, ЯИМ, ишсизлик, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар, туризм, хизматлар соҳаси, молия бозори ва ҳоказолар мисолида. Ўз навбатида, мазкур тадқиқотлар шунчаки иқтисодий прогноз бўлиб қолиши ва истиқболда ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги мумкинлигини ҳам инобатга олиш жоиз.

Қаранг, сўнгги 3-4 ой ичида дунё бўйича шу мавзуда 30 мингдан ортиқ мақолалар эълон қилинибди. Биргина нуфузли "Elsevier" платформасининг ўзида 21282 та тадқиқот иши натижалари илмий мақолага айлантирилибди. Аммо улар орасида пандемиянинг жаҳон иқтисодиётига ёки миллий иқтисодиётларга таъсирига бағишланганлари кам ва ана шу илмий материаллар маълум бир фикрга эга шахсларнинг қарашлари ҳамда прогнозлари билан чекланган. Бундай ҳолатнинг юзага келиши сабаблари турлича. Энг аввало, пандемиянинг давомийлигини ҳеч бир давлат аниқ билмайди. Ваҳоланки, коронавируснинг иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш учун буни билиш жуда муҳим. Акс ҳолда, прогнозлар тахминлигича қолаверади.

Шунга қарамай, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар коронавируснинг иқтисодиётга салбий таъсири тўғрисида илмий хулосаларини эълон қилишмоқда. Хусусан, "Corficolombiana" компанияси бош иқтисодчиси Ж. Ромеро "тождор" вируснинг глобал иқтисодиётга таъсирини ҳақиқий бўронга қиёслайди. Чунки ҳозирги кунда туризм ва товарлар таъминоти "занжир"ларига етказилган зарар шунчалик жиддийки, бу молиявий тизимга ҳам салбий таъсир кўрсатмаслиги учун ҳукумат томонидан муҳим чоралар кўрилиши зарур.

Бизнинг фикримизча, COVID-19 келтирадиган иқтисодий талафотлар муҳокамасини, аввало, мамлакат аҳолиси турмуш шароитини таҳлил қилишдан бошлаш керак. Зеро, одамларимизнинг аксарият қисми кунлик даромад топадиган, мавсумий ва ўзгарувчан характерга эга соҳаларда фаолият юритишади. Агар мамлакат иқтисодиёти инқирозга учраса, улар ҳам буткул хонавайрон бўлади, деган стереотиплар ҳам учраши табиий. Демак, коронавируснинг иқтисодиётга таъсирини аҳоли даромадларига боғлаган ҳолда ўрганиш муҳим.

### «Домино эффекти»

Иқтисодиётнинг қайсидир секторида қандайдир бир салбий ҳолат юзага келса, қолган жабҳалар ҳам бундан зиён кўради. Буни "домино эффекти" дейишади. Ҳозир дунё иқтисодиёти айни шу эффект қурбонига айланган. Коронавирус етиб боргани ёки бормаганидан қатъи назар, ривожланган мамлакатлар қатори энг қолоқ давлатлар иқтисодиёти ҳам зарар кўрмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг иқтисодий прогнозига кўра, дунёда ЯИМ кўрсаткичининг 2020 йил якунлари бўйича ўсиши 2,4 фоизни ташкил қилади. Бу миқдор 2019 йил бўйича 2,9 фоизга тенг эди. Жорий йил якунларида ўтган йилдагига нисбатан яна 0,5 фоиз пасайиш бўлиши тахмин қилиняпти. Демак, мазкур касалликнинг тарқалишидан барча давлатлар иқтисодий зарар кўради, макроиқтисодий кўрсаткичлари жорий йил якунига келиб пасаяди, ҳатто айрим ҳолларда қулаши ҳам мумкин.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан эълон қилинган прогнозлар эса юқоридагилардан бир оз фарқли. Хусусан, унда қайд этилишича, бутунжаҳон ЯИМ кўрсаткичи кескин қулайди, яъни 2020 йил ниҳоясида 3 фоиз камайиб, 0,1 фоизга тушади. Бироқ 2021 йилга бориб, иқтисодиёт шиддат билан ривожланиши натижасида 5,8 фоизлик маррага эришилади.

Хитой мисолида коронавируснинг нақадар хавфли ўлат эканлигини тушуниб етган мамлакатлар зудлик билан унга қарши чоралар кўра бошлаганидан хабарингиз бор. Дастлабки босқичда барча чегаралар ёпилди, давлатлар ҳудудида карантин режими эълон қилинди, корхона ҳамда ташкилотларда масофавий меҳнат фаолияти жорий этилди ва энг муҳими, вирусга қарши курашиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётига кўмаклашиш учун алоҳида жамғармалар ташкил этилди. Ушбу фондлар пандемиянинг иқтисодий асоратларини юмшатишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда, аҳоли заиф қатламини ҳимоя қилишни давлат олдига энг асосий вазифа сифатида қўйди.

Жамғармаларни шакллантиришда аксарият давлатлар кўпроқ ташқи қарз маблағларидан фойдаланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари манбаининг қарийб 6 фоизи (598,5 миллиард сўм) Давлат бюджети ҳиссасига тўғри келади. Қолган қисми хорижий молиявий ташкилотлар қарзи ҳисобига шакллантирилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур жамғарма томонидан, аввало, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Мисол учун, корхона ва ташкилотларга иқтисодий ёрдам кўрсатилади. Давлат кафиллиги тақдим этилади. Мамлакат аҳолиси ҳамда ташкилотларнинг кредит ва бошқа қарзлари қоплаб берилади (кредит таътили эвазига). Энг катта зарар кўрадиган соҳа — туризмга нисбатан солиқ юкини камайтириш, лицензияларни бекор қилиш, талабларни юмшатиш каби чоралар татбиқ этилади. Ёлланма ходимлар қўллаб-қувватланади ва иш ўринлари қисқариб кетишининг олди олинади. Бинобарин, давлат ташкилотларида фаолият юритувчи ходимлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағлар билан таъминланади. Эҳтиёжманд оилаларга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериб турилади ҳамда тиббий хизмат кўрсатилади. Стипендия ва нафақаларнинг ўз вақтида берилишига эътибор қаратилади.

Иккинчидан, пандемияга қарши курашда фаолият олиб борувчи тиббиёт ходимлари рағбатлантирилиб, янги тиббий масканлар барпо этилади ва зарур тиббий жиҳозлар харид қилинади. Ва энг муҳими, мамлакатда ижтимоий тартиб сақланади.

### Тўққиз йирик асорат

Иқтисодий нуқтаи назардан пандемиянинг салбий роли касалланган одамлар сони билан эмас, балки иқтисодий оқибатлари ёки асоратлари билан аниқланади. Хўш, бу нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, иқтисодий прогнозлар пасайиши кузатилади.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш фаоллиги тушиб кетади. Пандемия шароитида давлатлар кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари эшигига вақтинча қулф осишга мажбур бўлди. Хусусан, Хитойда февраль-март ойларида ишлаб чиқариш фаоллиги рекорд даража — 40,3 фоизга тушиб кетди.

Учинчидан, коронавирус пандемияси хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Истеъмолчиларнинг чакана савдо, ресторан ва транспорт хизматларига сарфлайдиган харажатлари камайди.

Тўртинчидан, нефть нархи қулайди. Бу дунё бўйлаб ишлаб чиқариш фаоллиги сусайиши билан боғлиқ.

Бешинчидан, молиявий бозорларда хаос юзага келади. COVID-19 тарқалиши ва унинг глобал иқтисодиётга таъсири билан боғлиқ хавотиру қўрқувлар инвесторлар ҳиссиётига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда йирик фонд бозорларида акциялар нархлари кескин пасайиб кетди.

Олтинчидан, облигациялар даромадлилиги пасаяди. Вируснинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши борасидаги хавотирлар бунга сабаб бўлади. АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланадиган мамлакат хазиналари инвесторлар учун ҳозиргидай беқарорлик даврида энг афзал ва хавфсиз активлар ҳисобланишини эшитгандирсиз. Бироқ, ҳаттоки, АҚШ бондларининг даромадлилик даражаси ҳам ўтган ойларда 1 фоиздан паст кўрсаткични қайд этди. 10 йиллик облигациялар даромадлилик даражаси энг паст кўрсаткич — 0,3 фоизга тушиб кетди. Бу — тарихда кузатилмаган ҳолат.

Еттинчидан, халқаро ишсизлик кўрсаткичи ошиб кетади. Чунки баъзи давлатларда карантин ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши ходимларнинг ишдан бўшатилишига олиб келди. Хусусан, АҚШда 17 миллиондан ортиқ кишилар ҳукуматга ишсизлик нафақаси сўраб мурожаат қилди. Бу шунча одам пандемия туфайли ишсиз қолганини англатади.

Саккизинчидан, халқаро туризм кўрсаткичлари кескин тушиб кетади. Сайёҳлик жаҳон иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири эканлиги ва ундан келадиган йиллик даромад 2019 йил якунлари бўйича 5,7 триллион долларни ташкил этганини ҳисобга олсак, муаммо кўлами нақадар катта эканлиги ойдинлашади. Қолаверса, деярли 330 миллион киши ёки дунёдаги иш билан банд инсонларнинг деярли 10 фоизи туризм секторида ишлайди. Сайёҳлик коронавирус пандемияси олдида энг заиф соҳага айланди.

Сайру саёҳатларни-ку қўя турайлик, дунё бўйлаб юз минглаб кишилар иштирок этиши режалаштирилган йирик анжуман ва тадбирлар бекор қилиниши, давлатлар чегаралари ёпилиши, халқаро авиақатновлар тўхтатилиши сектор ривожига озмунча зиён етказяптими?!

Тўққизинчидан, товар ва хизматлар экспорт-импорти деярли тўхтади. Халқаро савдо ташкилоти 2020 йилда жаҳон савдоси кўрсаткичларининг тушиш даражаси 13 ва 32 фоиз орасида бўлишини башорат қилаётир.

### Чекловлар бизга нималарни ўргатди?

Танганинг икки томонини кўришга даъват этишади донолар. "Ҳар ёмонликда бир хайр бор", деган нақл ҳам бор халқ орасида. Шу маънода, эл бошига иш тушган ҳозиргидай шароитда пандемия бизга тараққиёт учун янги имкониятларни ҳам туҳфа этди. Қандай дейсизми? Масалан, карантин туфайли онлайн савдолар ва етказиб бериш хизматлари жадал ривожлана бошлагани факт! Ўз навбатида, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши даражаси бир неча баробар ошгани ҳам рост. Қолаверса, ходимларни меҳнатга жалб қилишнинг янги имкониятлари юзага келганини ҳам инкор қилолмаймиз.

"Онлайн-банкинг" хизмати тараққий этгани, виртуал туризмнинг янги кўринишлари пайдо бўлгани муваффақият эмасми?!

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Карантин режими эълон қилинганидан сўнг ҳар бир оила ўз истеъмолидан келиб чиқиб, бир ойда қанча маблағ ҳисобига рўзғор тебратиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқишди. Бундан ташқари, уй шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари юзага келди. Бинобарин, анимацион киноиндустрияга катта йўл очилиши, банклараро процессинг хизматлари янада жадаллашиши ҳам муҳим янгиликлар сирасидан.

Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Санаганларимиз эса энг асосий жиҳатлардир.

### Башоратларга эмас, ўз кучимизга таянамиз!

Эътироф этиш керакки, коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасида Ўзбекистон танлаган йўл оқилона. Президентимиз томонидан 2020 йил 19 мартда "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Ушбу ҳужжат асосида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари ҳисобидан қайси соҳалар биринчи навбатда молиялаштирилиши белгиланди. Бу эса пандемиянинг иқтисодий асоратларини юмшатиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда халқаро молиявий ташкилотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига доир прогнозларига тўхталмоқчимиз. Мисол учун, Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи 2020 йил якунлари бўйича 1,6 фоиз ўсиши тахмин қилинган. Бу 2019 йилдагига нисбатан 4 фоиз паст кўрсаткичдир. 2021 йилга бориб эса иқтисодиётимиз яна ривожланиш ҳолатига қайтади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг макроиқтисодий захиралари, хавфсизлик тармоқлари ва давлат муассасалари ҳамда инқирозга қарши сиёсат таъминланган оилалар қатламининг ижтимоий ҳимоясига ёрдам бериши мумкин.

Халқаро валюта жамғармаси прогнозлари ҳам шунга яқин. Яъни Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичи 2020 йил якунларига кўра 1,8 фоизни ташкил этиши башорат қилинган. 2021 йил якунига бориб эса ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичи 7 фоизни ташкил қилиши кутиляпти.

Албатта, прогноз дегани, бу — тахмин. Йил якунлари бўйича ижобий ўсиш суръатларига эришиш бугунги саъй-ҳаракатларга кўпроқ боғлиқ. Шу боис ҳозирги кунда Президентимиз, Ҳукуматимиз ва барча даражадаги раҳбарлар томонидан коронавирус инқирозига қарши курашиш борасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Чунончи, Марказий банк раҳбарияти кредит таътилларини эълон қилиши, қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириши, инфляцион таргетлаш мақсадидан четга чиқмаётгани диққатга сазовордир.

Бу борада Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни уч қисмга бўлиб ўрганишимиз мумкин. Биринчиси бевосита пандемия билан боғлиқ. Яъни карантин марказлари, янги касалхоналар қуриш, дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари сотиб олиш бўлса, иккинчиси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доирдир. Бунга Президентимиз Фармон ва қарорлари ижроси доирасида болали оилаларга берилаётган нафақалар муддатини чўзиш (тегишли маблағлар ажратган ҳолда), ишсиз, банд бўлмаган аҳоли учун жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадида қўшимча маблағлар ажратиш кабиларни мисол сифатида келтириш мумкин. Учинчиси бандликни ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм маблағ ажратилганидир.

Шунингдек, Молия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш, қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар тўхтатилиши, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар тўлиғича бюджетга ўтказилишини билдирган.

Булардан кўринадики, ҳозир давлатимиз бор куч ва имкониятини нафақат бу офатни, балки унинг асоратларини ҳам бартараф қилишга сафарбар этган.

### Ҳамжиҳатлик — энг зарур чора

Пандемиянинг якуний кўламини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Иқтисодий прогнозлар ҳам тўғри бўлиб чиқмаслиги мумкин. Шундай экан, бугунги синовли вазиятда эртанги куни учун қайғурган давлатлар кўп ютқазмайди.

Яқинда Ўзбекистонда карантин эълон қилинганидан сўнг "Телеграм" мессенжерида аҳоли жамғармалари бўйича ўтказилган норасмий сўровнома натижалари эътиборимизни тортди. Унда қатнашган ярим миллиондан ортиқ аҳолининг 35 фоизи кун кечириш учун ҳеч қандай жамғармага эга эмаслигини таъкидлабди. Иштирокчиларнинг 50 фоизи эса шахсий захиралари 1 ойга етишини қайд этибди. Сўровномада, асосан, урбанизациялашиш даражаси юқори бўлган ҳудудлар (шаҳарлар, туман марказлари)да яшовчи юртдошларимиз қатнашганини инобатга олсак, мамлакатнинг 90 фоиз аҳолисида карантин шароитида кун кечиришлари учун бир ойга етар-етмас захира бор, деган хулоса келиб чиқади. Бу ишлаб топган даромадларимизни нотўғри ва самарасиз тақсимлаётганимизни тасдиқлайди. Яъни бу орқали мамлакатимиз аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси етарли эмаслигини аниқлашимиз мумкин.

Ушбу вазиятда ҳамюртларимизнинг жамғармалари мавжуд бўлиши учун уларни молия бозорига жалб этиш, банк омонатлари, фонд бозорлари ва инвестициялар каби имкониятлардан фойдаланишга ўргатиш зарур. Шунда давлат учун аҳолига пул топиб бериш эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор вазифага айланади. Негаки, 90 фоиз одамларимизнинг озиқ-овқат харид қилишга маблағи етарли бўлмаса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳеч қандай мантиқ қолмайди.

Шу боис давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича қилган мурожаатида "Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва донишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган"ини таъкидлади.

Шундай экан, меҳнаткаш халқимиз ҳамжиҳатликда ушбу инқирозни енгиб ўтиши, ҳукумат эса ушбу даврда хўжалик юритишнинг давлат-хусусий шериклик шаклини самарали ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

### Қимматли қоғозларга эҳтиёж катта

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси, асосан, халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари эвазига шакллантирилишини юқорида айтдик. Аммо маблағ жалб қилиш учун пухта ҳисоб-китоб ва машаққат талаб этилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги шароитда "евробонд"ларнинг эмиссия қилиниши айни муддао, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, "евробонд"ларни чиқариш халқаро ташкилотлар томонидан олинадиган ёрдам маблағларининг қайтарилиш шартларига қараганда анча соддароқ ва фойдалироқ. Бу эса пировардида мамлакат ташқи қарзларида ижобий роль ўйнайди.

Шу билан бирга, йирик корхона ва ташкилотлар, шунингдек, тижорат банклари ўз облигацияларини жаҳон молия бозорларига муомалага чиқаришга ҳаракат қилиши давр талабидир.

Бугун дунёда юз бераётган жараёнлар ва уларга нисбатан кўрилаётган чораларни таҳлил қилганда бир нарса аён бўлади: иқтисодиёти товар ва хизматлар, хом ашё ва технологиялар импортига ёки фақат хизматлар соҳаси, хусусан, туризмга боғлиқ бўлган давлатлар коронавирусдан катта зарар кўриши эҳтимоли юқори.

Иқтисодий таназзулга учрамаслик эса давлатнинг оқилона сиёсати эвазигагина амалга оширилади. Шошмашошарлик билан қабул қилинган қарорлар эса мамлакатни муқаррар инқирозга етаклаши мумкин.

Хулосамиз шундай: инсонлар умрини сақлаб қолиш ва соғлиқни сақлаш тизимига инвестиция киритиш энг устувор вазифага айланмоғи шарт. Шунингдек, аҳолининг энг заиф қатламини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашда иқтисодий харажатлар пухта ҳисоб-китоб қилинганлигини таъминлаш талаб этилади. Зеро, пандемия хусусий сектор ва тадбиркорликни қисқа муддатли кредитлар, солиқ имтиёзлари ёки субсидиялар орқали қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Бу эса нафақат ўзимизни омон сақлаш ва бу балои офатдан қутулиш, балки унинг асоратларини ҳам енгиллаштириш кафолатидир.

**Норбой КАРИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

**Пандемия ва унга қарши курашиш:**

# ТАРИХИЙ ТАЖРИБА ВА ХУЛОСАЛАР

*2020 йил синовли йиллардан бири сифатида жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олади. Хитойда бошланган ва дунё бўйлаб мисли кўрилмаган суръатда тарқалган коронавирус инфекцияси (COVID-19) бунинг асосий сабабидир. Афсуски, бу бало бизни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу касалликка қарши курашишда эса соҳада тўпланган тарихий тажрибаларга мурожаат қилиш, аждодларимиз томонидан бундай эпидемиялар тарқалган вазиятларда амалга оширилган ишлар, кўрилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, муҳим жиҳатларини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.*

## Мулоҳаза

Маълумки, инсоният тарихида Ер юзининг турли нуқталарида, турли даврларда қора ўлат, вабо ва бошқа ўта хавфли юқумли хасталиклар тарқалган ва беҳисоб кулфат келтирган. Ўрта аср манбаларида қора ўлат ва вабо касаллиги тарқалишига оид кўплаб манбалар сақланиб қолган. Уларни таҳлил қилсак, инфекция келиб чиқиши ҳамда ёйилишида бир қанча ҳолатлар мавжудлиги эътиборни тортади. Булар иқлимдаги ўзгаришлар, қурғоқчилик ва қаҳатчилик, шунингдек, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви, йирик шаҳарлар ва аҳоли масканларининг санитар ҳолати, тозалиги талабга жавоб бермаганлиги билан узвий боғлиқ.

Ўтмишда бундай эпидемиологик беқарорлик тез-тез рўй бериб турган. Улар ичида инсоният тарихида сезиларли из қолдирган пандемиядан бири XIV аср бошларида Хитойда бошланиб, Буюк Ипак йўли йўналишлари бўйлаб Осиё, Шимолий Африка ва Европада мислсиз талафотлар келтириб чиқарган қора ўлат ҳисобланади. 1313 йилда бошланган ушбу касаллик сабабли 20 йилдан ортиқ вақт давомида Мўғулистон ва Хитойда аҳолининг 60 фоиздан ортиғи қирилиб кетган. 1338 — 1341 йилларда қора ўлат касаллиги Еттисув, Баласоғун, Талас, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларига етиб келган. XIII аср ўрталарида Буюк Ипак йўлининг жанубий (Туркманистон, Афғонистон, Эрон) ва шимолий йўналиши (Волгабўйи, Қрим яримороли, Шарқий Европа ва Марказий Европа) бўйлаб тарқалган. Олтин Ўрда пойтахти ва шаҳарларида касаллик туфайли минглаб одамлар қирилиб кетгани ҳақида рус летописларида маълумотлар сақланган.

Бу хасталик сабаблари ва тарқалиш йўллари, офат кўлами ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Улар таҳлили жараёнида айрим жиҳатлар эътиборимизни тортади. Яъни инфекция келтириб чиқарувчи манба каламушлар ва бошқа кемирувчилар бўлган. Шунингдек, кемирувчиларнинг териси, мўйнаси ва гўшти учун ов қилиш кенг урфга кирган Хитой ва Мўғулистон ҳудудлари касаллик тарқалган илк ҳудуд сифатида кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган, яъни XIV аср бошларида Хитойда пайдо бўлиб, дунёга тарқалган ва деярли бир аср давом этган қора ўлат боис у кириб борган ҳудудларда аҳоли 60 фоизгача камайган. Бу ўша даврда ҳукмронлик қилиб турган йирик салтанатларнинг тақдирига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатган. Бу касаллик сабаб Хитойда ҳукмронлик қилаётган мўғулларнинг Юань сулоласи тугатилиб, Мин сулоласи (1368 — 1644) ҳокимият тепасига келган. Қолаверса, қора ўлат келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий муаммолар туфайли XIV аср ўрталарида Чиғатой улусида ва Олтин Ўрдада ҳам сиёсий инқироз даври юзага келган. Венеция ва Генуя шаҳарларининг эса Ўрта Ер денгизи орқали Шарқ мамлакатлари билан олиб бориладиган савдодаги гегемонлигига ҳам чек қўйилишига туртки бўлган жараёнларни бошлаб берганди. Мазкур ўлат сабаб Византия салтанати ҳам чуқур инқирозга кирдики, у Усмонли туркларнинг Кичик Осиёдаги зафарли юришлари тезлашишига олиб келди.

Марказий Осиёда Ўрта асрларда, хусусан, биз кўриб чиқаётган қора ўлат тарқалган даврда табобат анча ривожланган эди. Минтақанинг йирик шаҳарларида қадимги даврлардан бошлаб аҳолига ҳамда йўлда бетоб бўлиб қолган йўловчиларга, савдогарларга тиббий ёрдам кўрсатиладиган махсус шифохоналар бўлган. Марв, Урганч, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда Ўрта асрларда шифохоналар фаолияти йўлга қўйилганлиги ушбу манзиллар асосий тиббий марказлар бўлганлигидан далолат беради.

Маҳаллий табиблар вабо, қора ўлат ва бошқа юқумли касалликлар (мохов, чечак, қизамиқ, қутуриш ва ҳоказо) ҳақида, эпидемия даврида қандай йўл тутиш тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлган. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асарида келтирилган маълумотлар бу соҳада қўлга киритилган ютуқларнинг энг ёрқин намунасидир. Жумладан, "Тиб қонунлари"нинг (мазкур асар 5 китоб 14 жилддан иборат) 4-китобида узоқ чўзиладиган юқумли касалликлардан қизамиқ, чечак, мохов, вабо ва қутуриш кабилар ҳақида маълумотлар берилган. 5-китобида мураккаб таркибли дори-дармонларни қўллаш ва улардан фойдаланиш усуллари ёритилган. Маҳаллий табиблар бу асарни ва бошқа тиббий манбаларни ўрганиши, ўзлаштириши шарт бўлган.

Бундай фавқулодда ҳолатларда касаллик тарқалган ҳудудлар маҳаллий ҳокимият буйруғи билан иҳоталаниб, инфекция ёйилиб кетмаслиги қаттиқ назорат қилинган. Аҳолининг ҳаракати қатъий чекловга олинган, барча оммавий тадбирлар бекор қилинган, касаллик тарқалган ҳудудларга, касалланганларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказиш жараёнлари табиблар ва маҳаллий маъмурлар томонидан қатъий назоратда бўлган. Тарихий манбаларда Самарқандда касаллик тарқалганда аҳоли уйларига қамалганлиги, ҳовлилар дарвозаси кўчадан михлаб, ёпиб ташланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўрта аср манбаларида оммавий эпидемиялар даврида вафот этган аҳоли сони ҳақида аниқ статистик маълумотлар мавжуд эмас. Умумий кўрсаткичлар қайд этилган холос.

Сўнгги Ўрта асрларга оид манбаларда минтақамизда қора ўлат ва вабо касаллигига қарши кураш йўллари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундай даврларда хасталикка қарши тиббий воситалардан фойдаланиш, вирус тарқалган ҳудудларни "ёпиб қўйиш" ва бошқа чоралар билан ҳам курашилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўрта асрларда вабо, қора ўлат каби эпидемияларнинг кенг тарқалиши ва оғир оқибатларга олиб келишида тиббий билимларнинг турли минтақаларда турлича даражада эканлиги, аҳолида тиббий маданиятнинг юқори бўлмагани каби омиллар ҳам етакчи ўрин тутган. Шу билан бирга, бундай касалликлар кейинги авлодлар учун катта сабоқ бўлиб хизмат қилган ва табобат илми ривожига ҳам туртки берган.

**Худойқул АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори.**
**Ўктам МАВЛОНОВ,**
**академия профессори.**

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтнинг Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси Гулзода Холиқуловага отаси

**Тожимурот САНГИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6